

АҚШда ҳалол молиялаш дастури ишлаб чиқилмоқда



13:20 / 07.01.2022 2550

Уй сотиб олиш кўплаб мусулмонлар учун қийинчилик туғдиради, баъзилар Ислом қонунларига риоя қилишни хоҳлайди ёки риба ва банк имтиёзларидан фойдаланишни истамайди. Шу сабабли, Вермонт Кредит Уюшмаси (АҚШ) штатнинг шариатга мувофиқ биринчи молиялаштириш дастурини ишлаб чиқиш орқали мусулмон жамияти аъзоларига уй сотиб олишда ёрдам бермоқда.

Ушбу мақсадга эришиш учун Opportunities Credit Union катта молия менежери Тимоти Карпенер Жанубий Бурлингтондаги Вермонт Ислом жамияти имоми Ислом Ҳасан билан янги VTDigger моделини ишлаб чиқиш устида ишламоқда.

Имом Ҳасаннинг айтишича, Вермонтдаги кўплаб оилалар аллақачон уй сотиб олишни хоҳлашади, лекин Исломга тўғри келмайдиган молиялаштириш усули орқали олишни истамайдилар.

«Асосий тушунча шундаки, пул товар бўлмайди», дейди Ҳасан. — Бу уй бўлади. Ислом молияси сўнгги ўн йилларда бутун дунёда сезиларли даражада ўсиб, энг тез ривожланаётган молиявий соҳалардан бирига айланди. Бугунги кунда унинг глобал активлари 2 триллион доллардан ошади ва 2023 йилга келиб 3,8 триллион долларга етиши кутилмоқда.

Хуршид Маъруф тайёрлади